

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500 –“Миллий ғоя, миллий ғоя асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши 5-45 гуруҳ талабаси

МИРЗАЛИЕВ ДОСТОНБЕКнинг

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ

АСАРЛАРИДА

ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИНИ

ҚЎЛЛАНИЛИШИ

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:

“Миллий ғоя ва фалсафа”

кафедраси мудири ф.ф.н.,

доцент С.Исмоилов _____

“ _____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар: “Миллий ғоя ва

фалсафа” кафедраси

ўқитувчиси Ж.Усмонов

“ _____ ” _____ 2014 йил

Гулистон-2014

Мавзу: ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА -ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Р Е Ж А :

К И Р И Ш

I БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИЖТИМОЙЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲИКМАТЛАРИ

1.1. Халқ мақоллари ва миллий ғоя.

1.1. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қўллаган ҳикматлари.

2.2. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида қўллаган ҳикматлари.

II БОБ. МИЛИЙ ҒОЯНИ ЎҚИТИШДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Ватан равнақи ғояси.

2.2. Халқ фаровонлиги ғояси.

2.3. Юрт тинчлиги ғояси.

2.4. Комил инсон ғояси.

Х У Л О С А

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

К И Р И Ш

Давлатимиз мустақилликка эришгач, жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб ислохотлар, шунингдек, шу асосда турли соҳаларда ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак ахлоқли, маънан ва руҳан етук инсонни камол топтиришга қаратилган ўзгаришлар амалга оширилди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларда ҳақиқий инсонпарварлик, ватанпарварлик мужассамланганлиги, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам туб бурилишлар рўёбга чиққанлиги бундан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосида инсон камолоти ётади. Инсон камолотининг асосий омили ва воситаси таълим-тарбиядир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шундай ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва обод Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак”¹.

Мустақиллик бизга ўтмишдаги бой маънавий меросимиз дурдоналарини ҳақиқий, илмий маънода ўрганиш бахтига мушарраф этди.

Юртбошимиз Ислом Каримов маънавият соҳасидаги фундаментал асарлари бўлмиш “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида бадиий адабиёт мавзусига тўхталиб: “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.

Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари-уларни барчасининг номларини зикр

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 160-бет.

этиш, албатта, кўп вақтни талаб қилган бўлур эди-этишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир иа ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради”¹-деб ёзадилар.

Бадиий адабиётнинг фалсафий ахлоқий-эстетик ғоялари миллий истиқлол мафкураси учун негиз, пойдевор бўлганлиги учун уни тадқиқ этиш долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бадиий адабиётнинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қирраларини ўрганиш фан, маориф, маънавий ижтимоий соҳаларга олиб кириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Инсон маънавий оламни ҳис-туйғулари, ақл идроки ва ирода ихтиёри ёрдамида ўзлаштириб боради. Шахс ҳис-туйғуларини шакллантириш ва тарбиялаш, гўзалликка нисбатан меҳр уйғотиш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган².

Мавзунинг долзарблигини қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бадиий адабиёт миллий истиқлол ғоясининг диний, маънавий илдизидир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашга хизмат қилади. Бадиий адабиёт мустақил Ўзбекистонда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ўзаро ҳамкорлик ва ёш авлодни тарбиялашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қила олади;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 136-137 бетлар.

² Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Фалсафа фанлари номзоди, дисс. Автореферати. –Тошкент, 2002. 4 бет.

Иккинчидан, бадий адабиётдаги гўзалликни билиш, идрок этиш инсон бадий эстетик тафаккурини ўстиради. Бадий адабиёт намоёндаларининг эстетик қирраларини ўрганиш, баҳолаш, ибратли томонларини кўрсатиш ҳозирги давр шахсини комил инсон қилиб шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди;

Учинчидан, миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий жараёнларнинг маънавий соҳадаги асосий вазифаларидан бири аجدодларимизнинг илғор қирраларини, инсонийлик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, токи бу қирралар халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси эканлиги ёш авлод онгига сингиб борсин. Шу маънода бадий адабиёт биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади;

Тўртинчидан, бадий адабиёт бизни халқдан ажралмасдан, инсоннинг нафақат жисмоний ва ички руҳий, маънавий дунёсини мукамал тарбиясини қамраганлиги билан ҳам юқори камолот даражасига – яъни комил инсон бўлишига эришиш учун хизмат қилади; ўзининг моҳияти билан бунёдкорликка ундаган, меҳр-шафқат, одамийлик, ватанпарварлик, эзгулик руҳи билан суғорилган бадий адабиёт, ҳозирги замон кишисида ҳам шундай гўзал хулқларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилинганлик даражаси.

Бадий адабиёт, унинг улкан фалсафий-эстетик мероси замирида вужудга келган асарлар ниҳоятда кўп ва ранг-баранг. Бугунги кунда мафкуранинг мазмун-моҳияти, ахлоқий-эстетик ғоялари файласуфлар, адабиётшунослар, тарихчилар, шарқшунослар, дин арбоблари ва тарихчи олимлар томонидан бир қадар ўрганилган.

Давримизнинг барча фанларининг назарий ва методологик асоси бўлган Президентимиз асарларини ўқиганимизда уларда халқ мақоллари ва ҳикматларидан ўз фикрини, қараши ва ғоясининг тастиғи ёки исботи сифатида жуда кўп ўрниларда фойдаланганлигини шоҳида бўламиз.

Биргига 2014 йил 15-16 май кунлари “�рта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилишида “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абодиятга дахлдор маънавий хазинадир” мавзусида сўзлаган нутқида ҳам бир неча ҳикмат ва мақолдан ихтибос келтирган”

Мақол: Биласизми, мен баъзан ўйлаб қоламман, дунёда фанлар кўп, илм-фаннинг ажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушаман. Бизнинг халқимизда **“Илм билан шуғулланиш-игна билан қудуқ қазииш билан баробар”** деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазийётганлар бор бўлсин! Улар қўлғамалар устида 10-20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлаётган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намоён этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди¹.

Ҳикмат: Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десам, ишонаманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шу муносабат билан улуғ испан адиби Сервантеснинг, **тарих-фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир**, деган сўзларини такрорлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Менга айниқса "келажак учун огоҳлантириш" деган фикр жуда маъқул бўлди. Нима учун? Нега деганда, ҳақиқатан ҳам, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тассавур қилолмайди².

¹ Президент Ислон Каримовнинг “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 16.05.2014. 1 бет.

² Ўша асар, 2 бет.

Мавзуни ёритишда Президент Ислом Каримов асарлари, халқ мақоллари тўпламлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан фойдаландик. Адабиётлар қуйида илова қилинмоқда.

Адабиётлар орасида Президент Ислом Каримов асарлари асосий манбавий аҳамиятга эгадир. Жумладан, Ислом Каримовнинг “Юксак манавият-енгилмас куч” –Т.: 2008 йил, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” –Т.: 2011 йил ва бошқа асарлари, ҳамда “Ўзбек халқ мақоллари” –Т.: 2013 йил каби китоб ва рисоалар, ИНТЕРНЕТ сайтларидаги маълумотларидан фойдаландик.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади-Президент Ислом Каримов асарларида қўлланилган халқ ҳикматлари яъни мақоллар ва маталларни аниқлаш ва улар моҳиятини очиқ бериш ва қуйидаги вазифаларни бажаришдан иборат:

- халқ ҳикматлари бўлган мақол ва маталлар ҳақида маълумот бериш;
- халқ ҳикматларини таснифлаш;
- айрим халқ ҳикматларини тасивлаш;
- Президент Ислом Каримов асарлари библиографиясини ҳақида маълумот бериш;
- Президент Ислом Каримовнинг ижтимоий соҳага оид бўлган асарларида қўллаган мақолларни ёритиш;
- Президент Ислом Каримовнинг турли соҳаларга оид бўлган асарларида қўллаган мақолларни ёритиш;
- халқ ҳикматларнинг фалсафий ва тарбиявий аҳамиятини очиқ бериш;
- халқ ҳикматларнинг буюк маънавий мерос эканлигини ўрганиш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда илк бора халқ ҳикматлари бўлган мақол ва маталлар, яъни халқ фалсафаси дурдоналари ҳақида маълумот бериш ва бу ҳикматларда Президент Ислом каримов ҳам ўз асарларида жуда кўп ўринда фойдаланилганлигини очиқ беришга ҳаракат қилдик. Республикамиздаги

“Миллий истиқлол мафкуриси: асосий тушунча ва тамойиллар” курси ва бошқа ижтимоий фанларда ҳалқ ҳикматларидан фойдаланишнинг аҳамиятли эканлиги, дарс жараёнини яхшилаши, мақоллар ғоявий-мафкуравий тарбия тизимини шаклланиши ва ғоявий тарбия воситаси эканлиги жумладан Президент Ислоҳ Каримов асарларини ўрганиш орқали ҳикматлардан баҳраманд бўлиш мумкин эканлиги илмий асосланди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Фалсафа”, “Маънавият асослари”, “Ахлоқшунослик” фанларидан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ўрта мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз Кириш, икки боб, етти параграф. Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 70 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲИКМАТЛАРИ

1.1. Халқ мақоллари ва миллий ғоя.

**Халқ ҳикматлари - турмуш онасининг дард чекиб туккан тўнғич ўғли.
Абдулла Қодирий.**

Президент Ислом Каримов миллий истиқлол ғояси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқида миллий ғоя, миллий мафкуранинг маъно-моҳияти ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёкараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор”¹.

Миллий истиқлол ғоясининг мафкуравий тарбия ва тарғибот жараёни эса асосан уч йўналишда амалга оширилади.

Биринчиси - кўргазмали тарғибот асосида, яъни телевидение, радио, интернет ҳамда турли плакатлар, расм ва фотосуратлар каби тасвирий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчиси - оғзаки тарзда амалга ошириладиган тарғибот. Булар турли учрашувлар, давра суҳбатлари, байрам тадбирларида мустақиллик ва миллий истиқлол ғояларининг моҳиятини тўла англаган жамият аъзолари - олимлар, ёзувчи ва шоирлар, халқ ичида обрў-эътиборга эга инсонлар иштирокида меҳнат жамоалари, ўқув масканлари ёки маҳалла ва турар-жойларда ўтказиладиган учрашувлар, суҳбатлар ёки телевидение ва радио орқали

¹ Каримов И.А. Миллий мафкура - давлатимиз ва жамияти- миз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-жилд. 446-бет.

бериладиган мафкуравий аҳамиятга эга кўрсатув ва эшиттиришлар орқали амалга оширилади. Аксарият ҳолларда миллий истиқлол ғоясининг кўргазмали ва оғзаки тарзда олиб бориладиган тарғибот ишлари ўзаро уйғунлик касб этади.

Учинчиси - миллий истиқлол ғояларини ёзма тарзда сингдириб бориш. Бунда тарихий ва замонавий адабиётлар, газета-журналлар воситасида иш кўрилади. Талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда, уларни ватанпарвар, мамлакат тақдири учун фидойи, айна пайтда сиёсий ва ижтимоий фаол қилиб тарбиялашда ушбу воситаларнинг ҳар бири ўзига хос ўрин тутди. Гап улардан самарали ва ўз вақтида фойдалана билишда.

Ёш авлод тарбиясининг муҳим жиҳатларидан бири, Президент Ислон Каримов Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси XIV сессиясида сўзлаган нутқида қайд этганидек, уларнинг қалби ва онгига, кундалик турмуш тарзига “ота - боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналар”нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва сингдира боришдан иборатдир.

Табиийки, бу жараёнда халқимизнинг маънавий анъаналарига, ҳикматли сўз ва мақолларининг инсонпарварлик моҳиятига эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятнинг барча қатламларини, айниқса, ёшлар ва уларнинг энг илғор қатлами бўлган талаба ёшларни юксак маънавият ва маърифат соҳиби қилиб тарбиялашда минг йиллар давомида сақланиб келаётган халқ мақолларининг ўрни каттадир. Халқ асрлар мобайнида тўплаган ҳаётий тажрибасини турли воситалар ёрдамида келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақоллар ана шундай бебаҳо мерос намунаси ҳисобланади. Улар замонлар оша, халқ донишмандлигининг муҳим манбаи сифатида, оғиздан-оғизга ўтиб, сайқалланиб келган. Мақоллар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари сингари, ҳар бир халқнинг миллий адабий ва маданий бойлиги ҳисобланади. Улар халқнинг миллий-маданий хусусиятлари ва унинг қирраларини, дунёқараши, ахлоқий меъёр ва принципларини, анъана ва қадриятларини, миллатнинг руҳий ҳолатини тўлиқ

ифодалайди ҳамда жамиятнинг, айниқса, эртанги кун эгаси бўлган ёшлар онгини ўстиришда муҳим роль ўйнайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шarti”¹ экани таъкидланган.

Ана шундай бой интеллектуал мулклардан бири мақоллардир. Мақоллар халқнинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан теран фикрларнинг аниқ ва ихчам ифодаси сифатида чуқур мазмунга эга бўлган алоҳида жанр ҳисобланади.

Дунёда таркибида мақоллари бўлмаган бирорта ҳам тил йўқ. Мақол ҳақида берилган таърифда ҳам шу хусусиятни кўриш мумкин.

“Мақол, - дейилади “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, - ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап”².

Мақол³ - халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантикий тугал маъноли ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гап. Муайян ритмик шаклга эга. Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамлашган. Асрлар мобайнида халқ орасида сайқаланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Мақоллар мавзу жиҳатдан ниҳоятда бой ва хилма-хил. Ватан, меҳнат, илм-ҳунар, дўстлик, аҳиллик, донолик, ҳушёрлик, тил ва нутқ маданияти, севги ва муҳаббат каби мавзуларда, шунингдек, салбий хислатлар хусусида ранг-баранг мақоллар яратилган. Мақол учун мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги, кўп ҳолларда қофиядошлик, баъзан кўп маънолилиқ, мажозий

¹Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1998. 34-бет.

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик, 1-том -М.: Русский язык, 1982. 456-бет.

³Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 жилд. -Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. 543 бет.

маъноларга бойлик каби хусусиятлар характерли. Юртбошимиз бундай деб таъкидлаган эди: “Одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат - хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди”¹.

Ўзбек халқ мақолларида инсонийлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва ишёқмаслик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тўғрилик ва эгрилик, яхшилик ва ёмонлик, адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва кўрқоқлик, илмлилик ва илмсизлик, ҳушёрлик ва эҳтиётсизлик ғоялари ўзига хос тарзда аксини топган бўлиб, улар ўртасидаги диалектик муносабатдан келиб чиқиб, ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга доимий эътибор қаратилган.

Бундай ноёб маънавий меросдан миллий ғоя тарғиботида унумли ва таъсирли фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири, деб ўйлаймиз.

¹ Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 6 декабрь.

1.2. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қўллаган ҳикматлар.

Биз Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини тадқиқ этганимизда асарда 8 та мақол ва маталлардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Улар:

1. **Йўлини топибдими, қандини урсин. (21)**¹
2. **Узумини енг-у боғини суриштирманг. (21)**

Агарки эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ибратли ҳикматлар билан бирга, **“Йўлини топибдими, қандини урсин”, “Узумини енг-у боғини суриштирманг”** деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бундай мақол-маталлар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатнинг ифодаси. Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар ҳам борлигини инкор этолмаймиз.

3. **Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар. (45)**

Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган **“Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар”** деган мақолга ғоят ҳамоҳанг бўлиб, инонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

4. **Оққан дарё оқаверади. (49)**

Халқимизнинг асл табиатида мавжуд бўлган ана шундай илмий-маънавий салоҳият ва фазилатлар ҳақида гапирар эканмиз, **“Оққан дарё оқаверади”**, деган нақл беихтиёр ёдимизга тушади. Чиндан ҳам, тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.

¹ Изох: Қавс ичидаги рақамлар “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини саҳифаларини билдиради.

5. Қуш уясида кўрганини қилади. (53)

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг **“Қуш уясида кўрганини қилади”**, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

6. Маҳалла-ҳам ота, ҳам она. (59)

Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқа(58)риш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз **“Маҳалла-ҳам ота, ҳам она”** деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз.

7. Уят ўлимдан қаттиқ. (118)

Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **уят-ўлимдан қаттиқ**, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

8. Карвон бехатар бўлмас. (172)

Чунки халқ-бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан қалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. **Қарвон бехатар бўлмас**, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч–манавият бор.

Бундан ташқари бир неча бошқа ҳикматлар ҳам ушбу асарда қўлланилган.

Ҳадислар:

1. -“Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг”. (95).
2. -“Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади”. (120).

Тамойил ва шиорлар:

1. “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”..(40).
2. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”. (32).
3. “Кучли давлатдан-кучли жамият сари”. (59).
4. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. (61).
5. “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя”. (119).
6. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. (128).
7. Кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир-(108)-
8. Бир тану бир жон бўлиб яшаш. (122).
9. Куч адолатдадур. (154).

Ҳикматлар:

“Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”. (45).

Амир Темур

“Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”. (62).

Абдулла Авлони

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”. (83).

Абдулла Авлониё

“Тилга эътиборсиз-элга эътиборсиз”. (90).

Алишер Навоӣ

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур» (95)

Маҳмудхўжа Бехбудӣ

Олдиға қўйганни емак - ҳайвон иши,
Оғзига келганни демак - нодон иши. (118).

Алишер Навоӣ

“Душманлардан қўркма-нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўркма-нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрк-улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир, бўлаверади”. (124).

Машҳур файласуфлардан бири

Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. (131)

Ислом Каримов

Адабиёт яшаса- миллат яшайди. (140).

Чўлпон

“Театр-бу ибратхонадур”. (144).

Бехбудий

“Ўнта ишдан тўққизтасини кенгашу машварат билан, қолган биттасини қилич билан битирдим”. (153).

Амир Темури

Тафсифлар:

“Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми бидан нағма айтур эрди”. (140).

Шарафиддин Али Яздий

“Темур баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи захмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўғон овозли, улуғлиги ўзига ярашган, қатъий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юзбериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди”. (150-151)

Ибн Арабшоҳ

1.3. Президент Ислом Каримовнинг “�збекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарида қўллаган ҳикматлари.

Биз Президент Ислом Каримовнинг “�збекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарини тадқиқ этганимизда асарда 22 та мақол ва маталлардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Улар:

1. “*Сен-менга тегма, мен-сенга тегмайман*”. (8).

Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажралиб турадиган мазкур нутқда республика раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келади. “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”, деб янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришаётгани, ўз фаолиятида ислохотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қилади. “**Сен - менга тегма, мен - сенга тегмайман**” қабилида ишлашга ўрганиб қолган кўпчилик залда ўтирган расмий шахслар учун бундай ўткир сўзлар бамисоли булу тли осмонда чакмоқ чакнагандек таъсир этади. Янги раҳбарнинг мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, республикани чуқур инқироз ҳолатидан олиб чиқиш борасидаги азму қарори нақадар жиддий ва қатъий экани уларнинг ўртасида катта безовталиқ ва бесаранжомликка сабаб бўлади.

2. “**Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочади**” (68, 120)

-Ўзбек халқининг яхши ҳикматлари борки, қайси оилада бир **кун жанжал бўлса, қирқ кун баракаси қочади**, дейилади. Тўғри эмасми? Мана, қаранг, менимча, кейинги йилларда биздан барака қоча бошладики, бу баракани энди қачон оилаларимизга киритамиз? Демокчиманки, олдимизда иккита йўл турибди. Агар баъзи нопок ниятда юрган одамларнинг гапига кириб жанжал кўтариб, кўчаларга чиқиб намойиш уюштирсак, ишни

ўзибўларчиликка ташлаб қўйсақ-бу ҳам битта йўл. Агар бирон-бир ўртоқ шу йўлга чақирадиган бўлса, шунга интиладиган бўлса, у тамомила адашади.

- Халқимизнинг ажойиб гапи бор: **бир кун жанжал чиққан уйдан қирк кун барака кетади**. “Барака” деган сўзнинг маъносини, моҳиятини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилсак, савоб бўлади.

3. “**Киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди**” (69)

Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдинини билмайдиган, келажаги йўқ одам, **киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди**, деб жуда тўғри айтишади. Лекин она тилимизни билиш йўлидаги интилишларимизни, ҳаракатларимизни рус тилига қарама-қарши қўйиш, русийзабон биродарларимиз билан алоқани бузиш мутлақо нотўғри бўлур эди. Бир-биримиз билан аҳил ва дўст бўлиб яшаётган бир пайтда халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, улар орасига нифоқ солишга уринишлар яхшиликка олиб келмайди.

4. “**Тирноқни этдан ажратиб бўлмайди**” (117)

Транспорт хизмати ва йўл қурилиши энг танг жойлардан биридир. Ёғиб ўтган қорлар шуни кўрсатди-ки, биздаги транспорт оқими томирда қон қуюлиб қолганидек, унинг нормал ишлашини таъминламаяпти. Транспорт хизматлари ва йўл қурилиши тубдан таъмирланиб, янгиланиши керак. Аммо **тирноқни этдан ажратиб бўлмайди**. Бу, айниқса, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмига тааллуқлидир. Бу ерда таркиб топган уйлар жойлашинини ва асосий кўчалар йўналишини сақлаб қолиш зарур.

5. “**Қош қўяман деб, кўз чиқарма**” (122)

Биз яқинда бўлажак Наврўз байрамини анъанавий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Ҳар жиҳатдан диққат-эътибор билан муҳокама қилдик, “**қош қўяман деб, кўз чиқарилган**”, ўзбошимчалик билан зарарли, халққа бегона қарорлар қабул қилинган, анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг асрий негизлари оёқ ости қилинган ўтмиш давр сабоқларини ҳисобга олдик.

6. *“Сарагини саракка, пучагини пучакка”* (139)

Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар-ўқув жараёни бўлсин, маданият ва санъат бўлсин, жисмоний тарбия бўлсин - ҳаммасига қолган-қутган маблағлар сарфланди. Бу арзимас маблағлар ҳам халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан солиштирганимизда доим энг охирида ажратилди. Кимда-ким бугунги ёшларимиз фалон бўлиб кетди, фистон бўлиб кетди дейдиган бўлса, энг аввало ўзидан хафа бўлиши, ўзини айблаши керак.

7. *“Экканингни оласан”* (141)

Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар-ўқув жараёни бўлсин, маданият ва санъат бўлсин, жисмоний тарбия бўлсин - ҳаммасига қолган-қутган маблағлар сарфланди. Бу арзимас маблағлар ҳам халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан солиштирганимизда доим энг охирида ажратилди. Кимда-ким бугунги ёшларимиз фалон бўлиб кетди, фистон бўлиб кетди дейдиган бўлса, энг аввало ўзидан хафа бўлиши, ўзини айблаши керак. **Экканингни оласан**, деб бежиз айтмайди халқимиз.

8. *“Кулгининг таги зил”* (145)

Оддий мисол: кўчаларимиз, ҳар хил идоралар, савдо тармоқлари, хуллас, ҳамма жойда кўзга ташланиб турадиган ёзувларимизни олайлик. Юз фоиз маҳаллий аҳоли яшаётган жойларда ҳали ҳам бу ёзувлар русча эканлигига нима дейиш мумкин? Ёки бунга ҳам юқоридан буйруқ бериб мажбур қияптими? Ахир, бу кулгили ҳол-ку. Лекин бу **кулгининг таги зил**. Чунки бу маҳаллий аҳолининг миллий ғурури билан ҳисоблашмаслик демакдир.

9. *“Отанга бор, онанга бор”* (145)

Халқдан ажралиб қолган ҳар бир депутат ўзига юкланган вазифани бошқаларга ошириши ёки **“отанга бор, онанга бор”** қабилида иш тутиши сира мумкин эмас. Агар улар шундай иш тутса, тезда халқнинг назаридан қолади, демак, у ўз жойини бўшатиб қўйиши керак, токи бу вазифаларда иш қўлидан келадиган одамлар ишласин.

10. *“Об-ҳавога қараб иш юритиш”* (178)

Такрор айтаманки, бу ишларнинг ҳаммаси амал-га интилган, **“об-хаво”га қараб иш юритган кишиларнинг қилмиши эди.** Аммо қилғилиқни қилиб қўйган ана шу арбоблар энг асосий нар сани- халқни унутиб қўйишди. Халқ эса ҳеч қачон миллий ўзига ослик йўқолиб кетишига рози бўлмайди.

11. **“Гап кўп-у, кўмир оз”** (220)

Шуни эътироф этиш керакки, қайта қуриш бошланганига 5 йил бўлди, бироқ ҳали ҳам мафкуравий фаолиятнинг бус-бутун ва мукаммал концепциясига эга эмасмиз. Партия раҳбарлари мафкура масалалари хусусида кўп гапирмоқдалар. Лекин **гап кўп-у, кўмир оз** деганларича бор.

12. **“Оқни-оқ, қорани-қора дейиш керак”** (227)

Виждон амрига қулоқ солиб **оқни - оқ, қорани - қора дейиш** керак. Бизнинг юзимизга лой чаплашаётганида, бунга ошқоралик ва демократиянинг намоён бўлиши деб баҳо бермоқдалар. Буни қарангки, биз Ўзбекистон ҳаётининг муҳим муам-молари бир ёқлама ёритилипти, деб норози бўлсак, бу ошқоралик принципларига тажовуз деб қаралмоқда.

13. **“Бирлашган ўзар”** (284)

Ўзбекистоннинг нажоти фақат ўзимизда, шу заминда. Нажот қидиришда бошқа ёқдарга мурожаат қилиш билан рўшноликка чиқиб бўлмайди, фақат бе-гоналар олдида шармандалари чиқиб кулги бўлганла-ри қолади, холос.

Бирлашган - ўзар, дейди халқимиз. Келинлар, аҳил бўлайлик, бир ёқадан бош чиқариб, бу оғир кунлардан ҳам омон-эсон ўтиб олайлик!

Дўстликка, биродарликка чорлар эканман, шу ўринда улуғ Алишер Навоий бобомизнинг бир мисрасини келтириб ўтмоқчиман. Бу йил юртимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинган экан, улуғ бобомизнинг руҳи бизнинг эзгу курашларимизда мададкор бўлажак, деб умид қиламан.

“Жаҳон бўлмасин дўст, гар бўлмаса дўст”, дейди Алишер Навоий. Бу мисранинг мазмуни кенг ва чу-қур. Алишер Навоий йилида улуғ бобомиз айтган насиҳатларга қулоқ солиш, унинг доно фикрларини амалга ошириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

14. “Сўз бошқа-ю, иш бошқа” (288)

- Сиз Президент бўлгандан буён қандай аниқ ишлар амалга оширилди?

- Мен биринчи маротаба юксак минбардан туриб Ўзбекистонда 9 миллиондан зиёд киши бечораҳол кун кўраётганини, аҳолининг 47 фоизга яқинини алоҳида шарт-шароитга муҳтож болалар ташкил этишини, бизда ўлим кўрсаткичи мамлакат бўйича жуда юқори даражада бўлиб қолаётганини айтганман. Биз ҳақиқатни гапирганимиздан кейин одамлар орқамиздан эргаша бошлади.

Аммо **сўз бошқа-ю, иш бошқа**. Ер ҳақидаги фармон жуда катта вазифани бажарди. Мен узил-кесил қилиб: пахта етиштиришни 700 минг тонна қисқартирамиз, дедим. Бу 250-300 минг гектар ер, деган гап. Иттифок маҳкамаларида, Дав-лат план комитетида масалани сиз нимани истасангиз, ёзиб қўяверинг, мен барибир бажар-майман, деган қабилда ўртага қўйдим.

“Комсомольская правда” газетаси муҳбири саволларига жавоблар, 1991 йил 7 март.

15. “Кўрпангга қараб оёқ узат” (313)

Бозор иқтисодиётига ўтйпмиз. 650 та хўжаликнинг банкдаги ҳисобида бир тийин ҳам йўқ. Эртага улар ўз аъзоларини нима ҳисобидан боқади? Наҳотки давлат боқади деб ўйлашса? **Кўрпага қараб оёқ узатиш** лозимлигини бугун рўйирост айтишимиз керак. Шундай экан, раҳбар келажакни олдиндан кўра билиши лозим. Ҳаёт маромини сезмайдиган раҳбар - раҳбар эмас.

16. “Ҳамир учидан патира” (316)

Ўзларингизга маълумки, бундан 4-5 кун аввал Ўзбекистон ССР Президентининг “Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг уюшмаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Бу ҳужжат билан танишганингизни ҳисобга олиб, у ҳақда икки оғиз гапираман, холос.

Ушбу фармонга биноан, деҳқонларга, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига молиявий ёрдам тариқасида 1 миллиард сўм ажратилиши уларнинг

ижтимоий аҳволини яхшилашда катта омил бўлади. Қўшимча ажратиладиган молиявий ёрдам асосан иқтисодий жихатдан заиф хўжаликларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-техник базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар куриш, транспорт воситалари, кичик механизация техникаси ва чорва молларини сотиб олишга сарфланади. Шунингдек айтишимиз керакки, деҳқонларимиздан қарзимиз жуда кўп. Шахсий хўжаликларга бериладиган ҳозирги ёрдам - биринчи қадам, **хамир учидан патир**, деса бўлади. Қарзимизни узишимиз учун ҳали кўп хизмат қилшдимиз керак. Аминмизки, бу харажат 3-5 йилдан кейин республикаимизга икки-уч баробар ортиғи билан қайтади. Ишлаб чиқаришнинг бошқа янги усули - деҳқон-фермер хўжалиги имкониятларини ҳам ҳисобга олмаслик, бизнинг фикримизча, хатодир. Булар - қишлоқ хўжалигини инкироздан олиб чиқадиган йўлдир.

17. “Зар қадрини заргар билади” (328)

Инсон - бизнинг энг катта бойлигимиздир. Деҳқон - ер юзидаги

Барча ноз-неъматларни яратувчидир, табиатга ва заминга гўзаллик бағишловчидир.

Зар қадрини заргар билади, деганларидек, ер қадрини деҳқондан сўранг. Республикаимизда қадим замонларда ҳам деҳқончилик маданияти ғоят юксак даражада бўлган. Ернинг тилини биладиган, бир назар ташлаганда унинг ҳолатини айтиб берадиган миришкор деҳқонларимиз бугунги кунда ҳам юзлаб, минглаб топилади.

18. “Ўзи хон қўланкаси - майдон” (333)

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпини бошқа республикалардан олиб келади. Мамлакатда бугун кенг истеъмол молларини, энг зарур ашёларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг **ўзи - хон, қўланкаси - майдон**. Улар бизга молини отасининг нархини қўйиб сотишга ҳаракат қилишади.

19. “Гугурт чакса, хўлу қуруқ баробар ёнади” (336)

Бирок мамлакатдаги оғир вазиятни баттар мураккаблаштириб, охи-роқибатда ўзларининг ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлган кучлар бизда ҳам йўқ эмас. Улар мавжуд қийинчиликлардан фойдаланиб, одамларни кўзғатишга, миллатлар ва халқлар орасига нифоқ солишга уринмоқда. Одамларни кўзғатиш учун эса жуда катта ақл бўлиши шарт эмас. Мамлакатдаги вазият жуда жиддий. Бирор ёвуз ниятли одам **гугурт чакса, хўлу қуруқ баробар ёниши** аниқ. Биз ана шундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

20. “Мевали дарахтга тош отилади” (356)

Биз кўрқув деворини емириб ташладик. Янги масжидлар, диний муассаса ва иншоотлар пайдо бўлди. Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби ва бошқа умумхалқ байрамлари тикланди, салкам 50 та миллий-маданий марказ ташкил қилинди. СССР халқларининг кўпгина тилларидаги янги нашрлар ва дарсликлар босиб чиқарилди, ҳозир Ўзбекистон мактабларида таълим 12 тилда олиб борилмоқда. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Шарқнинг ноҳақ қатағон қилинган бошқа алломаларининг мероси халққа қайтарилди, уларнинг номлари тарихимизга қайтди. Аёлнинг обрўси ва шахси улуғланмоқда, оиланинг нуфузи мустаҳкамланмоқда, ижодкор зиёлилар ўз фикрини эркин изҳор қилиш имкониятини олдилар.

Мана шулар ва санаб ўтиш қийин бўлган бошқа кўпгина нарсалар

- жамиятда демократик руҳнинг қарор топиши эмасми, ахир? Халқимизда **мевали дарахтга тош отишади**, деган нақл бор. Ёппасига қуруқ танқид ҳам айни ўша тошнинг ўзидир.

21. “Етти ўлчаб бир кес” (373)

Мамлакатда содир бўлаётган воқеалар Ўзбекистонга, ўлкамиз халқининг тақдирига бевосита дахлдор десам, сиз менинг бу фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Шуларнинг ҳаммаси ва доимо ўзгариб турган вазиятлар бизни ушбу пленумни чақиришга ва сиз билан фавқулодда муҳим масала юзасидан маслаҳатлашиб олишга даъват этди. Бу – Ўзбекистон Компартиясининг тақдирига бевосита дахлдор масаладир. Қарор қабул қилишдан аввал, халқ

мақолида айтилганидек, **етти ўлчаб бир кесишимиз керак бўлади.**

22. **“Чўкаётганлар ўзларини ўзлари қутқариши керак”** (387)

Ахир, мусбатли бюджети бўлган республикалар ҳам бирон нарсада ён босмоқчи эмас. Улар ҳали ҳам **чўкаётганлар ўзларини ўзлари қутқариши керак**, деган эски ашулани такрорлашда давом этмоқда. Яъни, биз қандоқ қашшоқ кун кечирган бўлсак, шундай аҳволда қолаверишимиз керак.

“Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида” асарида фойдаланилган ҳикматлар

-Улуғ шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон бежиз ёзмаган эди¹:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир.

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтатсин,

Қувват йўқ, ким халқ истагин йўқ этсин.

-Саноат ишлаб чиқаришининг имкониятлари ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблайман. Ҳар бир хўжаликда бу муҳим ишга жон куйдирадиган одамлар бўлиши керак. Бу ўринда **кадрлар ҳамма ишни ҳал қилади**², деган эски иборани эслатиб ўтиш жоиздир. Фақат бор куч-қувватни, ақл-идрокни, ишбилармонликни тўлиқ ишга солган мутахассислар колхоз ва совхозларда кичик корхоналарни қуриш масаласини жойидан силжитиши мумкин.

- Алишер Навоий юртни, диёрни кўркем, ҳосилдор боғлар оғушида кўришни орзу қилар эди³:

Ким бу боғ ичра хиромон эрур,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 133 бет.

² Ўша асар, 318-319 бетлар.

³ Ўша асар, 412 бет.

Барчаси бир-бирига меҳмон эрур, - деб одамларни бир-бирига меҳрибону шафиқ бўлишга, умр, ҳаёт кадрили билишга, дўст-биродарликка чақирган эди.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида баён

этилган Президент Ислон Каримовнинг

ҲИКМАТЛАРИ:

- “фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак”. (13).

- “Ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди”. (13).

- Ишни биринчи галда ҳаётимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан, раҳбар кадрларни жой-жойига тўғри қўйишдан, уларга нисбатан талабчанликни оширишдан бошлаш лозим. (51).

- Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат. (52-53).

- Биз, ёшлар муаммоларига кўпроқ эътибор беришимиз керак. (61).

- Тил элни бирлаштириши лозим. (66).

- Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади. (70).

- ... агар рус миллатига мансуб киши ўзбек тилини билса, ўзбек эса рус тилини билса, бунинг устига ҳозирги ёшларимиз яна учинчи тилни ҳам билсалар, нур усти-га аъло нур бўлмасмиди? (70).

- Гуманитар фанларни илғор марраларга олиб чиқиш ҳам жуда муҳим йўналишлардандир.(88).

- Ҳозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувофиқлаштириши лозим. (89).

- Рус тили объектив сабабларга кўра халқларни бирлаштирувчи тил, ишлаб чиқариш интеграцияси авж олиб кетган шароитда шу халқларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминловчи тил, жаҳон маданияти фанидан миллатлар баҳра олиши учун воситачи тил... (92).

- Биз инглиз, француз, немис, испан тилларини ва бошқа тилларни ўрганишни бутун чоралар билан рағбатлантиришимиз лозим.(93).

- Тошкент - студентлар шаҳри. (115).

- Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдири ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ. (115).

- Одамларнинг ишончи ва эътиборидан маҳрум бўлиш эса, ҳар қандай ҳокимият учун ҳалокатдир. (129).

- Қайси раҳбар, қайси амалдор ўз обрўсини тўқмоқчи бўлса, у зиёлилар билан орасини бузади. (141).

- Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар

давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган. (159).

- Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман, у билан ҳамкорлик қиламан. (159).

- Ахир ёшлар халқ маънавиятини — ҳам маҳсули, ҳам келажаги. (160).

- Ҳамиша тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллаларида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарур. (191).

- Мактаб курсисидан бошлаб истеъдодли ёшларни танлаш ва рағбатлантириш даркор. (212).

- “Инсон - жамиятга, жамият - инсонга ҳамнафас”, деган шиор турмушимизнинг қонуни бўлиб қолиши, республикамиздаги ҳар бир кишининг турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим шартга айланиши керак... (229).

- Тарихда шундай инсонлар бўладики, уларнинг кадр-қиммати умуминсоний қадриятлар билан ўлчанади. Буюк аждодимиз Бобур айнан шундай зотлар сирасига киради. (252).

- Наврўз умумхалқ байрамини ёритиш ягона ғоя - инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжихатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғоялари билан йўғрилсин. (273).

- Бизнинг ўлкамиз жуда қадимий маданиятга эга, у башариятга улуғ алломалар, мутафаккир зотлар, файласуфларни етказиб берган. (286).

- ... деҳқон бой бўлмасдан - ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас...(311).

- Ғурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади.(325).

- Мен демократик жамиятни, энг аввало қонунга қулоқ солиш деб биламан.(346).

- Одам гап билан демократ бўлиб қолмайди.(347).

- Рашидов ўз даврининг фарзанди. (351).

- Ўзимни ўзим назорат қилиб, ташқаридан ўзимга назар ташлаш туйғусига эгаман ва бу нарса ўйламай-нетмай, шошма-шошарлик билан қилинадиган ҳаракатлардан сакдайдим.(353).

- Бизга тинчлик ва осойишталик керак. (368).

- Бизнинг сиёсатимизга таъсир эта оладиган ва уни белгилаб радиган олий мезон бор - у ҳам бўлса халқимизнинг фикридир. (376).

- Эркинлик эса тараққиётнинг яккаю ягона йўлидир. (431).

- Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. (435).

- Халққа, юртга хизмат қилиш эр киши учун, мард киши учун, ўғлон учун шарафли ишдир. (435).

Бундан ташқари Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ҳам гарчи у ижтимоий-сиёсий таҳлилий асар бўлса ҳам 5та мақол ва маталдан фойдаланган:

1.Ўзига хон - ўзига бек. (87).

-Жиноий ёки кўп ҳолларда "хуфёна" деб аталаётган, иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги конунларни кўпол равишда бузиб, **ўзига хон - ўзига бек** бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди.

2. “Пул ҳокимиятга интилади”. (90).

-**"пул ҳокимиятга интилади"**, деган бир ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

3. “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса - бўлгани”. (91).

-... нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан кўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни кўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг **“Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса – бўлгани”** қабилидаги маслаги худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

4. “Қуришдан кўра бузиш осон”. (182).

-Ҳаммага маълумки, **қуришдан кўра бузиш осонроқ**. Бунда "ислохотчи", "демократ" деган сиёсий обрў орттириш осонроқ. "Ҳаммасини таг-тубигача бузамиз, шундан кейин эса..." деган машҳур шиорни одат юзасидан "демократия"нинг кўплаб етакчилари кўтариб чиққандилар. Лекин, афсуски, уларнинг кўпчилиги бу машҳур шиорнинг биринчи қисминигина амалга оширишга муваффақ бўлдилар.

5. “Ортиқча чираниш белни синдиради”. (190).

-Донишманд халқ ўғит берганидек, **ортиқча чираниш белни синдиради**, яъни ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилиб бўлмайди. Муаммоларни, аҳамияти ва устунлигини ҳисобга олиб кетма-кет ва босқичма-босқич ҳал қилиш муҳим.

Шу билан бирга Президентимиз ўз асарида Амир Темурнинг дона сўзидан ҳам ихтибос келтирган:

Қонуннинг устунлиги бизнинг ислохотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буюк бобомиз Амир Темур **“Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади”**¹ деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 280 бет.

II БОБ. МИЛИЙ ҒОЯНИ ЎҚИТИШДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Ватан равнақи ғояси.

Ватан - буюк ва улуғвор тушунча. Уни қанчалик таърифласак, тараннум этсак ҳам камлик қилади. Зеро, “Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас”.

Ватан - арабча сўз бўлиб, она юрт деган макони, яъни кишиларнинг яшаб турган, уларнинг аجدодлари ва авлодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакат каби тушунчаларни ўзига қамраб олади. Ватансиз фуқаронинг бўлиши мумкин эмас. Демак, Ватан нафақат киндик қони тўкилган замин, балки онадек муқаддас маскандир. “Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг – тахти”, “Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, “Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл” каби қатор халқ мақолларида ушбу фикрлар ўз аксини топган. Бас шундай экан, Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир. “Ватан остонадан бошланади”, деб бежиз айтмайди халқимиз. Бироқ шахс улғайган сайин, унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам тобора кенгайиб боради. Натижада тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган жуғрофий муҳит Ватанни ифода этади. Ички тушунча ва кечинмаларни назарда тутиб, фикр юритадиган бўлсак, Ватан тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ҳамда даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий тушунчадир.

Миллатлар ва элатлар ўртасидаги ижтимоий, маданий ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиши олдин фақат бир элат ёки миллат учун макон бўлган ҳудудни шу ўлкада яшаётган барча элат, миллатлар учун Ватанга айлантиради. Ҳозирги кунда республикамизда яшаётган 130 дан ортиқ

миллат ва элатларнинг мустақил Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиш ҳам шундай жараёнлар ва ўзгаришлар натижасидир. Шу боисдан ҳам, Ватан тушунчаси ниҳоятда кенг бўлиб, у бир жой, замин, ўлкада истиқомат қилаётган фуқароларни, уларнинг миллатидан қатъи назар, бирлаштирувчи ижтимоий туйғудир. Яъни, халқимиз таъбири билан айтганда, “Туғилган еринг - ватанинг, ватанинг – номусинг”. Бундан келиб чиқадики, барчамиз яшаётган шу Ватанни, унинг равнақини янада юксакроққа кўтаришдек масъулиятли вазифани теран англамоғимиз зарур.

Ватан равнақи йўлида ҳалол хизмат қилиш халқимизнинг, бинобарин, ҳар биримизнинг порлоқ келажагимизни яратиш демакдир. Зеро, ота-боболаримиздан мерос қолган бу заминни севиш, ардоқлаш, халқнинг урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун эса тинмай изланиш, меҳнат қилиш, керак бўлса, заҳмат чекиш зарур бўлади. Шу маънода, ҳар бир онгли фуқаро ўз саъй-ҳаракатларини бағрикенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада яхши кунларга олиб чиқишга қаратмоғи лозим. Чунки бундай халқнинг бахт-саодати, фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат, заҳмат ҳеч қачон зое кетмайди.

Ўзбек халқ мақолларида Ватан онадек муқаддас экани, унинг ҳар бир қарич ери учун жон фидо қилиш кераклиги уқтирилади: “Она юртинг - олтин бешигинг”, “Булбул чаманни севар, одам – Ватанни”, “Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф” ва ҳоказо.

Агар она Ватан оғир кунларни бошидан кечираётган бўлса, ҳар бир ватанпарвар, мард инсон бундай кулфатли кунларда унга мадор бўлиши лозим: “Ватанга - фалокат, ўзингга – ҳалокат”, “Ватаннинг вайронаси - умрнинг ғамхонаси”, “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, “Юрт қўрисанг - ўзарсан, қўримасанг – тўзарсан”.

Ватанга садоқат ва она ерга муҳаббат ажралмас туйғулардир: “Ерга севги - Ватанга севги”, “Ватан тупроғи - ғалаба гарови”, “Эл бошига тушгани - эр бошига тушгани”.

Ўзини ҳақиқий инсон деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши ўз ҳаётини жонажон халқининг равнақиға бағишлаши, Ватаннинг, мамлакатнинг дахлсизлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун курашмоғи, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам аямаслиги лозим. Ушбу мавзудаги кўплаб ўзбек мақолларини келтириш мумкин: “Ёвдан кўрққан - ёвға дўст, элни суйган - элга дўст”, “Эл билан кесилган бармоқдан қон чиқмас”, “Элга кўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ”, “Элга берсанг ошингни - эрлар силар бошингни, итға берсанг ошингни - итлар ғажир бошингни”, “Элинг нима бўлса - сен ҳам шу”, “Элнинг назаридан қолма”, “Эл сенға чўзса қўл, унга доим содиқ бўл”, “Тинчлигинг – ҳурлигинг”, “Юртдан айрилганни ёв чопади”, “Мусофир итнинг думи қисик”, “Элга хизмат - олий ҳиммат”.

Шундай қилиб, халқ оғзаки ижодининг дурдоналари - ўзбек халқ мақолларида Ватанға, она ерға ва халққа муҳаббат, садоқат, уларни севиш ва ҳар қандай ички ва ташқи душманлардан кўз қорачиғидай асраш, уларға сидқидилдан хизмат қилиш асосий ўринни эгаллайди. Бундай муқаддас туйғулар ёшлар онғиға миллий истиқлол ғоясини сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқнинг асл фарзандлари Ватан туйғуси билан яшаб ўтади. Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида курашган, уни куйлаган, унинг ишқи билан ёнган ана шундай мўътабар инсонлар маърифатпарвар жадиidler эди. Улар учун Ватан онадек муқаддас, иймон қадар юксак эди. Шунинг учун ҳам улар Ватанни “қиблагоҳ”, “саждагоҳ” деб атайдилар. Тарихимизда жадиidler номи билан аталган фидойи, ватанпарвар ота-боболаримиз Ватанни чин юракдан севганлар, уни дил-дилдан англаганлар, унинг дарди билан яшаб, бу дардға малҳам бўлишға интиланлар. Абдурауф Фитрат: “Ватан - у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлийим, иззатим, шарафим, каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир”, - дейди. Маҳмудхўжа Беҳбудий эса Ватаннинг қадр-қиммати ҳақида шундай дейди: “Ватан ва аҳли диёрни қадри мусофиротда маълум булур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдир, қадрини билмоқ керак. Сотмасға ва ўлгунча айрилмасға керакдир”.

Абдулла Авлони айтади:

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдир,

Ҳар ким сенинг кадринг билмас - ақли пастдир.

Сенинг туйғунг юракларга савдо солур,

Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.

Донишманд жаҳид боболаримизнинг Ватан ҳақидаги теран фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай, халқ мақоллари сингари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, миллатнинг, мамлакатнинг равақи, унинг порлоқ келажаги жамиятимиз аъзоларининг фаоллигига, жонқуярлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов ўзининг кўплаб чиқишларида халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишга жуда катта эътибор беради. Юртбошимиз: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қила диган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўп рик бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”¹, - деган эди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар миллий онгимиз тўхтовсиз юксалиб бормаса, мустақиллигимизнинг, давлатимизнинг маънавий замини мустаҳкам бўлмайди. Чунки миллий онг мустақилликка йўналиш беради, халқни яқдил, ҳамжиҳат қилади. Мамлакатнинг равақи иқтисодий замин билан бир қаторда фуқароларнинг бирлигини ҳам талаб қилади.

Ўзбек халқ мақолларида халқ катта куч сифатида таърифланади: “Халқ айтгани - Ҳақ айтгани”, “Халқ ҳукми - ҳақ ҳукм”, “Элга маъқул - сенга маъқул”, “Халққа суянсанг - бўласан, халқдан чиқсанг – сўласан”, “Элдан айрилгунча жондан айрил”, “Эр давлати элида”, “Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас, эли билар”,

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 199., 11-бет.

Кўплаб ўзбек мақолларида халқнинг куч-қудрати тенгсиз экани, халқ билан бирга бўлиш, ундан ажралмаслик, эл-улус йўлида хизмат қилиш ва ўз юртига содиқ бўлиш зарурлиги таъкидланади: “Халқ пуфласа бўрон бўлар, халқ тепинса – зилзила”, “Эл кучи - сел кучи”, “Халқни хон ҳам енголмас”, “Халқ меники дема, сен халқники”, “Йўлдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма”, “Элнинг назаридан қолма”.

Ватанпарварлик туйғуси мамлакат ва халқ тинчлиги, хавфсизлиги билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. “Ватанни сотган эр бўлмас”, “Ёридан айрилган етти йил йиғлар, юртидан айрилган ўлгунча йиғлар”, “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас” каби мақолларда ҳар бир инсон ватанидан айри ҳолда яшай олмаслиги, ватан она каби азиз ва қимматли экани акс этган.

Ўзбекистон деб аталмиш бу жаннатмакон юртнинг - Ватаннинг равнақи учун “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш” бугунги кунда ҳар бир ўзбекис-тонлик фуқаронинг муқаддас бурчига айланиб бормоқда.

Ватан равнақига оид халқ мақоллар¹

Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан.

Бегона тупроқ - девона тупроқ.

Беткай кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.

Ватан гадоси - кафан гадоси.

Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.

Ватанга келган имонга келар.

Ватанга фалокат - ўзингга ҳалокат.

Ватандан йироқлашган номусдан ўлар.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Янги асар авлоди, 2013. 6-9 бетлар.

Ватани борнинг бахти бор,
Меҳнати борнинг тахти.

Ватанин сотган эр бўлмас.

Ватаннинг вайронаси - умрнинг ғамхонаси.

Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма.

Душманга нафрати бўлмаганнинг,
Ватанга муҳаббати бўлмас.

Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Ёрингни гул орасидан изла,
Эркингни эл орасидан.

Йигит ғами элида,
Элнинг ғами дилида.

Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл.

Кўлнинг отини балиғи чиқарар.

Кўрпанг қаерда бўлса, кўнглинг ҳам шу ерда.

Она ернинг тупроғи она сутидан азиз.

Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Совуқ ургандан қолар,
Тупроқ сургандан қолмас.

Товушқон (қуён)га туғилган тепаси азиз.

Тукқан ерда туғинг тик.

Тукқан элга жон тортмаса ҳам, қон тортади.

Туғилган ердан кўнгил узилмас,
Юрт кўрганнинг юрти бузилмас.

Тўйган ердан тукқан ер яхши.

Чангал ҳам ўз жойида гуриллар.

Экин ерида кўкарар, эр - элида.

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас,
Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Эл бошига кун тушса, эл яратган эр келар.

Эл бошига тушгани, эр бошига тушгани.

Эл-куним бўлмаса, ой-куним туғмасин.

Эл тилагин тилагин, синиқ кўнглин сийлагин.

Тўн ёқасиз бўлмас, эл эгасиз.

Эл қуримаса, ер қуримас.

Эл кўнган ерин билар, от тўйган ерда тинар.

Эл ғамини билган элда достон.

Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ.

Элда бори - сенда бори.

Элидан безган эр ўнгмас, кўлидан безган ғоз ўнгмас.

Элинг сенга чўзса қўл, унга доим содиқ бўл.

Элли ер бозор, элсиз ер мозор.

Элнинг йиртиғига ямоқ бўл, узунига улоқ бўл.

Элнинг эгаси бўл, тобутнинг чегаси бўл.

Эр давлати элида. Эр йигит элга тортар.

Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар.

Эрингдан безсанг ҳам, элингдан безма.

Эрнинг иши - элнинг бўйнида,

Элнинг иши - эрнинг бўйнида.

Эрнинг моли - элнинг моли.

Юрт эгаси йўлбарсдир, олдиргани қўймасдир.

Юрт қўри, элинг ўсар, қўримасанг уйинг тўзар.

Юртни дедим - юзга кирдим.

Юрти бойнинг ўзи бой.

Яхши йигит юрт тузар, ёмон йигит юрт бузар.

Ўз уйим - ўлан тўшагим.

Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинар.

Ўз юртинг ўлан тўшагинг, ўзга юрт бўлмас беши гинг.

Ўзга элнинг қозиси бўлгандан, ўз юртингнийг този си бўл.

Ўлсанг ўл, Ватанингда бўл.

Ўпкадан урган ел ёмон, элидан айрилган эр ёмон.

Қоронғи қолган юртда қорашақшақ подшо бўлар.

Қуриган юртга қул оқсоқол.

Қуш бутага сиғинар, одам Ватанга.

Ҳар гулнинг ўз иси бор, ҳар элнинг ўз туси бор.

Ҳар кимнинг ўз эли ўзига ширин.

Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бор.

Ҳар тойча ўзи сув ичган булоғини мактар.

Қуш ўз уясига қараб учар.

Ҳимматли эр ўз элини дер.

Ҳақиқий эр ер сотмас, ер сотса эр бўлмас.

2.2.Юрти тинчлиги ғояси.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бери ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, илмий тарққиётида юксак натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу жараён мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги билан бевосита боғлиқ. Президент Ислам Каримов 2000 йил 22 январда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида республикаимизнинг яқин йиллардаги муҳим вазифаларига тўхталиб шундай деган эди: “Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир. Бу ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз керак”¹.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш учун, аввало, минтақамизда яшаётган халқлар ва давлатларнинг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни бартараф этиш учун қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. “Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар”, деганларидек, Марказий Осиёдаги барқарорлик минтақа давлатларининг яқдиллигини талаб этади.

Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, тинчлик учун кураш олиб бориш ҳақида халқимиз томонидан бир қатор мақоллар яратилганки, улар ҳеч бир даврда ўзининг аҳамиятини йўқотмаган: “Туғилган ердан кўнгил узилмас, юрт қўриганнинг юрти бузилмас”, “Тинч элнинг боғи гуллар”, “Тинчлик - бахт, соғлик – тахт”, “Тинчлик - фаровонлик йўлдоши”, “Уруш - офат, тинчлик – фароғат”, “Юрти тинчнинг - эли тинч”, “Қўшнинг тинч - сен тинч”, “Тинчлик билан эл кўқарар, ёмғир билан ер”.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 35-бет.

Огоҳ ва ҳушёр бўлиш, Ватанни, халқни ҳимоя қилишга тайёр туриш, яратилган ва қўлга киритилган маънавий ва моддий бойликларни кўз корачиғидек асраш туйғулари кўплаб халқ мақолларида ўз ифодасини топган: “Ҳушёрлигинг - тинчлигинг, беғамлигинг – ўлганинг”, “Ҳушёрлик - мустаҳкам кўрғон”, “Ҳушёрлик - умр посбони”, “Ҳушёрни ёв босмас, ёв босса ҳам, дов босмас”, “Бўри йўқ дема, бўрк остида, ёв йўқ дема, жар остида”, “Бўрини тўқ дема, душманни йўқ дема”, “Душманинг битта бўлса ҳам эҳтиёт бўл”, “Душманнинг бири ҳам хатар”, “Дўстингга дўст бўл, душманингга – зийрак”, “Душманинг сичқонча бўлса ҳам, кучинг асрлонча бўлсин”, “Ит қопмас, от тепмас дема”, “Олманинг қизилига ишонма, душманнинг – дўстлигига”, “Офат кўрмай десанг ҳушёр бўл”.

Ўзбекистон фуқароларининг тинчлиги ва осойишталигига таҳдид соладиган хатарлардан бири диний ниқоб остидаги экстремизмдир. Маълумки, мустақил юртимизда 17 та диний конфессия вакиллари аҳил ва иноқ истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонунга биноан, юртимизда барча динларга тенг имконият яратилган. Бирорта динга ҳам имтиёз берилмаган. Лекин диний экстремизм ва фундаментализм кайфиятидаги айрим кимсалар ана шундай аҳиллик муҳитига раҳна солишга интилади. Шундай экан, халқимиз бундай иғволарга қарши миллий истиқлол ғояси асосида кураш олиб бормоғи зарурдир. Бу соҳадаги тарғибот ишларида қуйидаги халқ мақолларидан фойдаланиш мумкин: “Халққа хиёнат қилдинг, ўзингга жиноят қилдинг”, “Ёндашмагин ёмонга, рангинг ўхшар сомонга”, “Кўпга кесак отма, кўмуvsиз қоласан”, “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар”.

Юртбошимиз бугунги Ўзбекистон ёшлари тарбияси тўғрисида тўхталиб, “Биз ёшларимизни бошқаларнинг қўлига бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз” деган эди. Ёшлар тарбияси учун доимо катталар, ота-оналар масъул бўлган. Халқ мақолларида ҳам тарбия масаласига доимий эътибор қаратилган. “Тўғри бола ўстирсанг, халқ ичида шер бўлар, эгри бола

ўстирсанг, икки кўзи кўр бўлар” ёки “Тарбия тақани тўғрилайди”, деб таъкидлайди доно халқимиз. Тарбия жараёни боболар ўғити, миллий анъаналар, ҳаётий тажрибалар, ҳикматли сўз ва мақоллар орқали амалга оширилади.

Маълумки, оила - жамиятнинг бошланғич куртаги. Соғлом, бадавлат оила юртнинг катта ютуғи, муваффақиятларимизнинг гарови. Тарбия жараёни ҳам энг аввало оилада бошланади. Носоғлом оила эса, нафақат шу оила аъзоларига, балки жамиятга ҳам зарар келтиради: “Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар, яхши фарзанд ота-онани элга оралатар”, “Ёмоннинг боласи йўлда ётиб от хуркитар”, “Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил”, “Тоғ ердан ўсиб чиқар, одам - ота-онадан”, “Тулпор - биядан, мард - энадан”, “Эркалатса онаси, талтаяди боласи, тўғри тутса онаси, юртга эга боласи”, “Эрка ўғил ёвга ярамас, эрка қиз - ишга”, “Қизни онаси тийсин, ўғилни - отаси”, “Қуш уясида кўрганини қилар”, “Онасини кўриб, қизини ол”, “От ўрнини той босар”. Ушбу халқ мақолларида ҳам оилавий тарбияга жиддий эътибор қаратилиб, унинг ижобий таъсири ифодаланган. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда соғлом оила масаласига катта эътибор берилмоқда.

Юрт тинчлигига оид халқ мақоллар¹

Аватига чавати, қум қозонга лой тувоқ.

Аёл ердан чиққан эмас, эркак боласи,
Эркак кўкдан тушган эмас, аёл боласи.

Бахтли билан баҳслашма, томлик билан тенглашма.

Баққолда менинг гапим, қассобда сенинг гапинг.

Бел ушлашганда отангни аяма.

Беш панжа тенг эмас.

Бешиқдагига тегма, бетингни юлар.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Янги асар авлоди, 2013. 53-55 бетлар.

Ёғ ёққа томар, мошобага жиз ҳам йўқ.

Замони бошқанинг амали бошқа.

Икки от тепишса, ўртада эшак ўлар.

Икки тентак бир бўлса, соғ одамдай гаплашар.

Икки қирчанғи бир тўқайда топишар.

Инни инга қўш, тенгини - тенгига.

Йўлинг билиб йўлдош қил,
Тенгинг билиб тенгдош қил.

Капасига яраша қирмови,
Эшагига ярашига тушови.

Кўлмак сувга сассиқ алаф.

Кўп қарининг ичида, бир бола доно бўлур,
Кўп боланинг ичида, бир қари бола бўлур.

Кўр кўр билан қоронғида топишар.

Лўли билан кучук ўч.

Мой берганга мой бер,
Той берганга той.

Ножинсинг ошнаси бўлмас.

Одам билан одам тенгми,
Арис билан бодом тенгми?

Ой билан кундан бўл, ҳаммага бирдай бўл.

От билан тепишган тойнинг энгаги синар.

Отанг бозор — онанг бозор.

Отлиқ йўлдош бўларми, арбали билан,
Йўртоқ йўлдош бўларми йўрғали билан.

Пашша болга ёпишар, кампир чолга.

Пиёз сотганнынг мурч сотгандан хабари бор.

Полопон - бошига, турумтой тўшига.

Саволга - жавоб, саломга - алик.

Сўк ошига сурнай, ун бошига карнай.

Темирчининг бир ургани,
Кўмирчининг минг ургани.

Тенг еганни тангри суюбди,
Ортиқ еганни арвоҳ урибди.

Тенг тенги билан, тўн енги билан.

Томдан тараша тушди,
Бошимга яраша тушди.

Туя тузни севар, йигит қизни.

Туянинг териси ҳам бир эшакка юк.

Чигал соқолга темир тароқ.

Югурикдан югурик чиқса, оёғи типир-типир.

Ўзингдан пастга сирингни айтма.

Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босар.

Ўроқчининг минг ўргани,
Болтачининг бир ургани.

Ўғрининг хотини ўзига лойиқ.

Қуданг қул бўлса, қулдек бўл.

Қўл қўлни танир.

Ғариб кўнгли - ғарибда.

Ғишт масжидга - ёғоч мезана.

Ҳамма одам бир одам, ҳамма махлуқ бир махлуқ.

2.3. Халқ фаровонлиги ғояси.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади. Улар орасида халқ фаровонлиги ғоясининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Чунки халқ фаровонлигига эришиш, кишиларга муносиб турмуш шароити яратиш - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, миллатлар тарихи ва тараққиётининг бош мақсадларидан биридир. Ислохот - ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгилашни, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Халқимизнинг инсонни эзгуликка, ҳалол меҳнатга, меҳнатни қадрлашга, уни улуғлашга, ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга қаратилган мақоллари бисёр. “Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси - меҳнат”, “Обрў топаман десанг, камтар бўл, қаримай десанг, меҳнат қил”, “Обрўнинг онаси - меҳнат, отаси - саъй-ҳаракат”, “Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар”, “Етмиш гўзалликнинг биттаси – меҳнат”, “Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз – роҳат”, “Хурматинг - савлатинг, меҳнатинг – давлатинг”, “Ҳазина ғойибдан эмас, меҳнатдан”, “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, “Меҳнатнинг нони ширин”, “Меҳнат эл бахтини тузар”, “Меҳнатсиз турмуш - умрга хиёнат”, “Меҳнат билан қарлсанг - роҳат билан яшарсан” каби ҳикматли сўз ва халқ мақолларида халқ фаровонлиги, бойлиги инсоннинг ўз қўлида, меҳнатида экани ифодаланган. Демак, яхши ва фаровон яшамоқчи бўлсак, янги жамият биздан яхши мутахассис бўлишни, фидокорона меҳнат қилишни, тинмай изланишни, малакамизни оширишни талаб этади.

Бунинг учун эса кишилар дунёқарашини ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Чунки фаровон турмуш асоси - эркинлик, тadbиркорлик ва ташаббускорликдир. Бу ҳақиқатни одамлар

онгига сингдириш, айниқса, ёшларнинг мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг моҳиятини англаб етиши ва унинг фаол иштирокчисига айланишига эришишда айнан халқ мақолларининг ҳам ўрни каттадир.

Ҳар бир кишининг турмуш тарзи ва яшаш сифати кўп жиҳатдан унинг касб маҳоратига, маънавий эътиқоди, жўшқин ўзгариб бораётган янги муҳитни англашига боғлиқ. Шу сабабли чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари асосидаги фаровон турмуш фақат юксак маънавият, юксак ахлоқ ва ғоявий эътиқод негизида барпо этилиши мумкин.

Бунинг учун халқимизда ўз кучига ишонч туйғуларини камол топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, меҳнатга оқилона муносабатни қарор топтириш ва умуман, тадбиркорлик ва иш- билармонликнинг ахлоқий меъёрлари ҳамда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳам миллий ғоямизда муҳим ўрин тутди.

Бизнинг халқимиздек меҳнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган халқ ўз турмушини ўз қўли билан фаровон қилишга қодир. Шу боис миллий истиқлол ғояси моҳият-эътибори билан фуқароларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган фикрни шакллантиришга хизмат қилади.

Халқ фаровонлиги - миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқ. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги-бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади. Бу ҳақиқатни англаб етиш учун, аҳоли барча қатламларининг олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини ҳис қилиши ва бунда фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса кишиларнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга, ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдир.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, динидан қатъий назар шахс сифатида ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш ва ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятига эга. Халқимизда мулкка, ерга эгалик ҳиссини тарбиялаш, ўз кучига, иродасига ишонч руҳини камол топтириш, ҳўжалик юритишнинг замонавий усулларига ўтиш давр талаби эканлигини англаб этиш бу борадаги устувор ва ҳал қилувчи вазифаларга киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади-халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидаги қатор муаммолар ҳал қилинмоқда. Иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкчиликнинг муқобил шакллари таркиб топтириш ва мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик муҳитини вужудга келтириш халқ фаровонлигини таъминлашни асосий шартларидандир.

Халқ фаровонлиққа оид халқ мақоллар¹

Акангда бўлса сўрайсан, уйингда бўлса - ялайсан.

Балиғи йўқ кўли қурсин, кийиги йўқ чўли қурсин.

Бермаса ҳам бой яхши, емасанг ҳам мой яхши.

Бозорда биров бахтини сотар, биров - тахтини.

Бой бўлиб болтаси йўқ, гадой бўлиб халтаси.

Борлик юмуш келтирар, йўқлик уруш.

Борнинг боласи мол деб турар, йўқнинг боласи нон.

Ботқоқнинг кенглиги қурбақага яхши.

Гапнинг калтаси, арқоннинг узунй яхши.

Ёғ е, яланғоч ёт.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Янги асар авлоди, 2013. 192-193 бетлар.

Ит ҳам ўз кўчасида ўзини шер билар.
Йиғламоқни мазор бошида кўр.
Йўқчилик тошдан қаттиқ, гўнгдан сассиқ.
Кичик калит катта уйни очар.
Мақтанишга мусофирчилик яхши.
Мусофирга қиз берма, шаҳри - икки, кўнгли - икки.
Овчига гўшт қаҳат эмас, ўғрига мол.
Оқлик бор жойда оғриқ бўлмас.
Олдингда етакчинг бўлсин, орқангда таянчинг.
Оғриқ жойини топса, олти ой қишлар.
Оғриқ кўпайса, эмчи кўпаяр.
Тилаганнинг тўрваси тўлмас.
Тушлик умринг бўлса, чошли ҳаракат қил.
Тўқ ёмон эмас, йўқ ёмон.
Уйга уй бўйи уйсанг ҳам оз.
Умрим умр бўлди, соқолим кўмир бўлди.
Эгачили қизга тўй қайда, эчкили кўйга сув қайда.
Эрда бўлса йўрғалайди хотин, эрда бўлмаса нима қилади хотин.
Яланғоч етолган кун эсдан чиқар,
Оч - тўйган кун эсдан чиқар.
Қўлдан берганга қуш тўймас.
Қўрада кўрсам кўнглим тўқ.

Комил инсон ғояси.

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда бошланган туб ислохотларнинг марказида инсон, унинг бахт-саодати, моддий фаровонлиги ва маънавий камолоти туради. Чунки Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва адиллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир”.

Мустақиллик ҳар бир шахс учун мустақил фикрлашни ва мустақил ижодий фаолият соҳиби бўлишни, маънавий ва ақлий жиҳатдан юксалишни тақозо қилади. Чунки, “тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир”, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Шу боисдан маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим жабҳаларидан бирига айланиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар томонлама етук ва комил инсонни тарбиялашнинг шарти ҳисобланади.

Комиллик - халқимиз томонидан азалдан маънавий ва руҳий етуклик мезони сифатида эъзозлаб келинган. Халқимиз мақолларида комиллик шартлари - меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, илмли, касб-ҳунарли бўлиш, тарбияли бўлиш, сахийлик, камтарлик, хушмуомалалик, адолат каби ғоялар улуғланади. Бу ғоялар қуйидаги ўзбек халқ мақолларида ўзининг оҳорли ифодасини топган: “Ширин-ширин сўзласанг, илон инидан чиқар. Аччиқ-аччиқ сўзласанг мусулмон динидан чиқар”, “Яхшининг сўзи тошни эритар, ёмоннинг сўзи бошни чиритар”, “Ер - она, сув - ота, меҳнат – бойлик”, “Иш - инсоннинг гавҳари”, “Машаққатсиз бахт келмас”, “Меҳнат ва ўқиш - оға-ини”, “Меҳнатсиз турмуш – ўғирлик”, “Обрўнинг онаси - меҳнат, отаси - саъй- ҳаракат”, “Олтин ўтда билинар, одам – меҳнатда”, “Ҳалол ишла, ҳалол тишла”, “Ҳалол иш - лаззатли емиш”, “Ҳалол меҳнат - мўл даромад”, “Яхшилик нур келтирар, ёмонлик – зулмат”, “Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, холик билар”, “Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб шукр қил”, “Ўзинг яхши - олам

яхши”, “Адоват эмас, адолат енгар”, “Инсоф сари – барака”, “Ботирдан яхши иш қолар, донодан – сўз”, “Доно ўйлаб айтар, нодон – ўйнаб”, “Дононинг сўзига боқ, яхшининг – ўзига”, “Инсон - ақли билан, доно - нақли билан”, “Билим - кучда, куч – билимда”, “Илм - ақл бўлоғи, ақл яшаш чироғи”, “Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар”, “Ўйигит ҳусни – ҳунар”, “Қасб, қасб туби – насиб”, “От бўлсанг, чопарсан, ит бўлсанг, қопарсан”, “Одоб - кишининг зебу зийнати”, “Одобли ўғил - кўкдаги юлдуз, одобли қиз - ёқадаги кундуз”, “Одобли бода элга манзур”, “Сахий бўлмаса, бахил ҳаром ўлар”, “Сахийнинг ўнг қўли берар, чап қўли билмас”, “Яхши ҳусн - ярим бахт”, “Яхшининг юзи офтобни илитар”, “Қамтар бўлдинг - гавҳар бўлдинг”, “Қамтарлик кўкка кўтарар, манманлик ерга киритар”, “Қамтарлик - катта давлат” ва бошқалар. Қомил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга ҳос энг юксак маънавий ва жисмоний барқамолликни мужассам этувчи, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя бўлиб, у миллий истиқлол мафқурасининг узвий қисми ҳисобланади.

Ҳар қандай ҷамият, тузум барқарор ривожланишга интилибгина қолмасдан, ўзининг табиатига, моҳиятига мос шахсни вояга етказишга ҳам муҳим эътибор беради, унинг ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва шу сингари маънавий-мафқуравий меъёрлари, ижтимоий институтларининг фаолияти шу мақсадга бўйсундирилади.

Президентимиз ўз асарлари ва маърузаларида барқамол авлод, қомил инсон каби тушунчаларни кенг таҳлил қилиб, жумладан, бундай деб таъкидлайди: “Биз қомил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Қомил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”¹.

¹ Қаримов И.А.. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. 134 бет.

Ҳар қандай ҷамиятда ҳам инсон омили муҳим ўрин тутеди, чунки “Инсон - гавҳари қобил”, “Одам - оламнинг олтин тожи”, “Одам - олтиндан азиз”. Бу омилни фаоллаштирмасдан, унда яратувчилик эҳтиёжларини тарбияламасдан ижтимоий янгилинишга эришиб бўлмайди. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган ғоядир. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназулға маҳкум.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан, тасаввуф илмидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, теран ифода топган.

Комил инсон - барча дунёвий ва илоҳий билимларни мукаммал эгаллаган, руҳан етук, ахлоқан пок, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислат ва фазилатларга эга покиза зотдир. Комил инсон тушунчаси тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу хусусда махсус китоблар битилган. Жумладан, Азизиддин Насафий ўзининг “Инсони комил” рисоласида уни шундай таърифлайди: “Билгилки, Комил инсон деб шарият, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин, билгилким, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”¹. Насафий санаган сифатларнинг дастлабки учтаси қадимги зардуштийлик китоби “Авесто”да ҳам таъкидланган. Шарқнинг машҳур ахлоқшуносларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам инсоннинг гўзал хулқи ва ахлоқий баркамоллигига қуйидагича баҳо беради: “Яхши хулқ, гўзал (ахлоқ) муомала шундай бир йўлдирки, бу

¹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи, 1996. 147 бет.

йўлдан юрмай туриб, иззат ва шараф манзилини эгаллаб бўлмайди, бу йўлдан юрмай туриб, вужуд юкини ҳайвонот биёбонидан инсоният дорилмулкига элтиб бўлмайди”¹. Демак, тасаввуф таълимотига кўра, инсон камолоти унинг юксак ахлоқий-руҳий фазилатлари ҳамда илму донишда, касб-хунарда етуклиги билан белгиланади.

Ўз даврида буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ҳам инсоннинг моҳияти ва баркамоллиги хусусида фикр юритиб, “Фозил одамлар шаҳри” асарида комил инсон ғоясини илгари суради. Унга кўра, жамиятнинг ҳар бир фуқароси - мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъи назар, фозил киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси бўлиб, лозим бўлганда, Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади. Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади.

Ҳазрат Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги таълимотида илгари сурилган орифлик, оқиллик, саҳийлик, иффатлилик, шижоатлилик, поклик, меҳр-шафқат, инсофу диёнат сингари қарашлари ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарурлигини англатади:

Камол эт касбким, олам уйидин

Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотаом ўтмак биайних,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Шарқ халқларининг серқирра ва бой маънавий меросида ўта эъзозлаб келинган инсон камолоти ва унинг мезонлари тўғрисидаги қараш ва таълимотлар комил инсон ғоясининг назарий асоси бўлиб хизмат қилади. Ёшлар тарбиясида аждодларимиз маънавий мероси ва улуғ мутафаккирларимизнинг эзгу ғоялари бебаҳо ибрат манбаидир.

¹ Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. –Т.: Tamaddun, 2011. 51-52 betlar.

Миллий истиқлол мафкурасининг узвий қисми бўлган комил инсон ғояси комилликнинг қуйидаги энг муҳим жиҳатларини мужассамлаштиради.

Булар:

- жисмонан соғлом ва бақувватлик,
- руҳан тетик ва бардамлик,
- ахлоқан поклик,
- ақлай етуқ ва билимдонлик,
- эркин фикр ва мустақил дунёқараш,
- касб-хунарда моҳир бўлиш ва шу каби эзгу фазилатлардир.

Комил инсонга оид халқ мақоллар¹

Айғир қандай бўлса, от шундай.

Ачиб суйилмаган - қариб қуйилмаган.

Ақл бўй билан эмас, ўй билан ўлчанади.
Ақлсиз калла ақлли оёқни югуртиради.

Ақлли - ишига ишонади, ақлсиз - тушига.

Аҳмоқ билан ўчакишган одамни доно дема.

Бешикда теккан, кафанда кетар.

Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг.

Бир қилган - мадад, икки қилган - одат.

Бола боққандан олов ёққан яхши.

Бола ёшидан, хотин бошидан.

Бола кўрганини қилар, ота билганини.

Бола - лой, она - кулол.

Бола тукқанники эмас, тарбиялаганники.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Янги асар авлоди, 2013. 192-193 бетлар.

Болани сўксанг бети қотар, урсанг эти қотар.

Боғинг бўлса, кўра қил, ўғлинг бўлса, мулла қил.

Бузуки қариса ҳам, ғамзаси қаримас.

Букрини гўр тузатар.

Дарахтдан мева оламан десанг,
Ниҳоллигидан парвариш қил.

Дарахтига кўра - меваси,
Ота-онасига кўра - боласи.

Дард кетар, одат қолар.

Дарё тўла сув бўлса ҳамки, ит тили билан сув ичар.

Етти ёшга етгунча, ер тўқмоғин ерсан,
Етмиш ёшга етгунча, эл тўқмоғин ерсан.

Игна қай томонга юрса, ип ҳам ўша томонга юради.

Иллат кетар, одат кетмас.

Ит ириллашни онасидан ўрганади.

Итни қопағон қилган эгаси.

Катта бошлар - кичик ташлар.

Киши йўқ деб сўзлама, оғзинг ёмон ўрганар.

Одам бўлар йигит одатидан маълум,
Тулпор бўлар қулун - мучасидан.

Одам одамдан қутулар, ўз феълидан қутулмас.

Одат бир, табиат бошқа.

Олти кун оч қолсанг ҳам, отанг одатини қўйма.

Она сути билан кирмаган, тана сути билан кирмас.

Онадан кўрган тўн бичар,

Отадан кўрган ўқ йўнар.

От билан бўлса эшакнинг охури,
Ранги юқмас, феъли юқар охири.

Ота бўлсанг чопарсан, ит бўлсанг қопарсан.

Ота ғайратли бўлса, ўғил ибратли бўлар.

Отадан - ўғил, онадан - қиз.

Отнинг феъли эгасига маълум.

Семиз кўзининг гўшти яхши, оқил онанинг қизи.

Сув билан экин ўсар, тарбия билан одам.

Сут билан кирган жон билан чиқар.

Сўксанг - сўкувингда, урсанг - урувингда.

Таёқ айикни ҳам мулла қилар.

Таёқ ўғрини тўғрилар, гўр букрини.

Тананинг турки туққанга тамға.

Тарки одат - амри маҳол.

Теракка қараб тол ўсар, онага қараб қиз.

Тойни от қилгунча, эгаси эшак бўлар.

Тулпор тубига тортар.

Тўққизида қандай - тўқсонда шундай.

Хотин олсанг ёшидан ол, жilовини бошдан ол.

Чархни бузган палласи, қизни бузган онаси.

Эгасига кўра бияси.

Эгри бутокни ниҳолида тобини ол.

Эрка тутса онаси, талтаяди боласи,
Тўғри тутса онаси, юртга эга боласи.

Эрка ўғил ёвга ярамас, эрка қиз ишга.

Эшиги ёмоннинг уйига борма,
Онаси ёмоннинг қизини олма.

Югансиз отни ўргатиб бўлмас.

Ярамас одат кўп бўлар, энг ёмони - кунчилик.

Ўзинг пиширган ош: айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзинг ич.

Ўрганган кўнгил, ўрганса қўймас.

Ўрганган қилиқ ўлганда қолар.

Ўғлингни севсанг, қулдек ишлат.

Ўғри ўрганганини ўлгунча қўймас.

Қарғани боққан билан қуш бўлмас.

Қиз берсанг отасига қараб бер,
Қиз олсанг, онасига қараб ол.

Қиз сақлай билмаган гунг этар,
Ипак сақлай билмаган юнг этар.

Қизни онаси тийсин, ўғилни отаси.

Қизнинг эркаси - эчкининг серкаси.

Қориндаги қилиқ қора ерда қолар.

Қуш уясида кўрганини қилар.

Қўзи қўчқордан нишон, ўғил отадан.

Хўкизнинг ўтини еб, қўйнинг қилиғини қилма.

ХУЛОСА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бадиий адабий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор қаратилди. Шарқ халқларининг буюк мутафаккирлари, маърифатпарвар алломаларнинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қирралари, миллий қадриятларимиз, жумладан, бадиий адабиётларимизда илгари сурилган мафкурага оид қирраларни илмий жиҳатдан кенг ўрганишга киришилди.

Инсоният тарихий тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, аниқ мақсадни кўзлаган ғоя билан қуролланган жамият ўз мақсадига ета олади, ўзини буюк халқ сифатида намоён қила олади. Инсоннинг куч-қудрати унинг билими, ақл-заковати, тафаккур даражаси билан белгилангани каби, ҳар бир халқнинг куч-қудрати маънавий салоҳияти, миллий мафкураси ва олға етаклайдиган ғоялар тизимида намоён бўлади. Бугунги кунда Ватанимиз маънавий ҳаётида миллий мафкура жуда катта рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг илк йилларидаги нутқ ва маърузаларида миллий мафкурамизга, унинг жамиятдаги ўрни масаласига катта эътибор бериш лозимлигини такидлаган эди. Жумладан, Президентимиз: "... мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган"¹ -деб такидлайди.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

Инсонпарварлик билан йўғрилган, тараққиётга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялар қачон, қайси мамлакатда туғилмасин, туб моҳиятига кўра умуминсоний мазмун касб этади. Ҳақиқий бунёдкор ғоялар олдига қўйган

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 5 бет.

мақсад ва вазифалари, ифода тили ва шакли бўйича миллий кўриниш олсада, мазмун ва моҳияти бўйича умуминсоний ғояларга яқин туради.

Миллий ғоянинг маънавий илдизларини тадқиқ этиш маънавий меросдаги муштарак мақсад ва маънони, ворисийликни теран англаш имконини беради.

Ўзбек халқи қаҳрамонлик эпосларининг вужудга келиши маълум тарихий даврда уруғ ва қабилаларнинг, элатларнинг бирлашуви жараёнида ўзлигини, ўз манфаатларини англаш даражасининг ўсиши ва уларнинг умумий ёвга қарши курашда бирлашиши билан боғлиқдир. Миллий ғоянинг илк маънавий илдизлари ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпосларида акс этган. Халқ оғзаки ижодида, қаҳрамонлик дostonларида, ёдномаларнинг деярли ҳар бирида ватанпарвар боболаримизнинг ижтимоий тажрибаси, ҳаёт сабоқлари, авлодларга ўғитлари, даъватлари акс этган. Уларда биз баъзан ўқинч, ачиниш ҳисси устувор таънаомўз сатрларга ҳам дуч келамиз, бироқ юрт мустақиллигини сақлаб қолиш, ҳамжиҳатликни қўлдан бермаслик, яшаб турган заминга фарзандлик масъулиятини эслатиш фикри ва ғояси ярқ этиб намоён бўлади. Ватан, халқ озодлиги ва жипслиги, тинчлиги ва фаровонлиги, қаҳрамоннинг эса мардлиги ва фидойилиги, ўз бурчига, имон-эътиқодига содиқлиги асосий мақсад бўлиб қолаверади. Шу мантикий асослар уларда акс этган етакчи ғояларни миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари деб ҳисоблашга имкон беради.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида аجدодларимизнинг кўп асрлик ижтимоий ва маънавий тажрибаси, билимлари ва инсоний туйғулари ўз ифодасини топган. Ўзидан аввалги давр тажрибасини ҳам ўзлаштириб, бу икки буюк ёдгорлик янги - ислом эътиқоди негизида аждодларимизнинг қайта шаклланган тажрибасини ҳам тараққиёт заруратига, миллий ўзликни, мустақилликни сақлаш, мустаҳкамлаш вазифаларига мослаб ифода этади. Мазкур асарлар мазмуни, олға сурган ғоялари бугунги миллий ғоямизни ҳар жиҳатдан маънан озиқлантиради. Зеро, асарлар мазмунига эзгу мақсад йўлидан ортга

кайтмаслик, мустақилликни ёқлаш, илм ва маърифат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бунёдкорликка даъват этувчи ғоялар сингдирилганки, улар ўз аҳамиятини бугун ҳам йўқотган эмас.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган халқ мақоллари ва уларнинг шарҳи мустақиллик барча замонларда ҳам аجدодларимиз учун энг олий қадрият ҳисобланганини яна бир бор тасдиқлайди. Маҳмуд Кошғарий халқимиз тарихида илк марта адабий тил бирлиги масаласини қўйган буюк мутафаккирдир. «Девону луғотит турк»ни яратишдан мақсад адабий тил бирлиги орқали миллий жипсликни сақлаб қолишга, катта ҳудудларга тарқалиб кетган турк қабилаларининг ўзаро лисоний ўзоқлашишининг оқибатларини олдиндан теран англаган ҳолда, парокандаликка йўл қўймасликка қаратилган. Қорахонийлар давлатининг вужудга келиши миллий консолидацияни мустаҳкамлашга объектив зарурат туғдирган эди. “Девону луғотит турк” ана шу заруратга жавобан яратилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бошқарувда адолат, ҳаётга тор манфаатлар юзасидан ёндашмаслик, тараққиипарварлик, халқпарварлик, таркидунёчиликка берилмасдан, бунёдкорлик меҳнати билан машғул бўлиш кераклиги тўғрисидаги фикрлар билан бир қаторда инсоннинг маънавий-руҳий камолотини белгиловчи бошқа мезонлар ҳақида ҳам баҳс юритилади, улар улуғ мақсад - мамлакат ва халқ фаровонлиги, юксалиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда очиб берилади. Шунинг учун “Қутадғу билиг” миллий ғоямизнинг ҳамда унинг чамбарчас қисми ҳисобланадиган комил инсон ғоясининг маънавий илдизларидандир, деб баҳолашга тўлиқ асосимиз бор.

Амир Темур ва темурийлар даврида бошланган миллий тикланиш ва юксалиш маънавиятининг чўққиси Алишер Навоий ижодидир. Амир Темурнинг “Куч – адолатда” ғоясини ҳамда Шарқ адабиётидаги ўзининг буюк ўтмишдошлари, салафлари анъаналарини Навоий давом эттириб, уларни ўзбек элати шаклланиши ва ривожланиши зарурати билан боғлади. Алишер Навоий асарларида илгари сурилган марказлашган ягона давлат ва

унинг “адолатли подшоҳи”, адабий тил бирлигига эришиш юқорида қайд этилган заруратни, миллий жипсликни таъминловчи омиллар эди.

Навоийнинг «одил шоҳ» ғоясида мамлакат аҳлининг эркин ва фаровон турмушига шароит яратишни давлат бошқарувининг асосий вазифасига айлантириш мақсади мухтасар ифодаланган. Салтанатни адолат билан бошқариш тамойилини марказлашган давлат учун асосий мезон даражасига кўтариш Навоий даврининг муҳим эҳтиёжи, аллома ижодининг асл ғоявий мақсадларидан бири эди.

Ўз даврининг миллий тараққиёт олдига қўйган долзарб вазифалари: миллий-маънавий юксалиш, давлат сиёсатини халқпарварлик тамойили асосида такомиллаштириш ғояси Навоий яратган “Ҳамса” асарига хос эди.

Навоий меросини миллий ғоямиз маънавий илдизи сифатида ўрганилишига асос бўладиган ғоялар тизимида қуйидагилар алоҳида ажратиб туради. Биринчидан, бу таълимотда ҳар бир масала халқ манфаатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Халқ орасида кенг оммалашган

Баъзи ҳикматли сўзлар шаклан қуйма ҳолга келиб, оммавий қўлланишга ўтгач, мақолга айланиб қолади. Масалан Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраси¹:

Билмаганин сўраб ўрганган олим,

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Иккинчидан, Навоийнинг барча даъватлари миллат ва халқ фаровонлигига йўналтирилгани билан бирга халқнинг моддий фаровонлиги маънавий-сиёсий мустақиллик билан, хусусан, давлат мустақиллиги ва тинч-осойишталиги билан бир-бирини тақозо этувчи вазифалар сифатида олинган. Учинчидан, улуснинг юксалиши умумий манфаатларни англашни тақозо этибгина қолмасдан, шахс манфаатларини мамлакат равнақи билан уйғунлаштиришни асосий вазифага айлантиради. Шу боис Алишер Навоий адабий мероси миллатни ва халқни ўзи орзу қилган ғоялар теварагида

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11 жилд. -Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. 330 бет.

жипслаштириб турувчи, ҳамиша ўзликни англашга рағбатлантирувчи маънавий хазинадир.

Халқ оғзаки ижоди ҳақида илмий иш олиб борган дунёдаги ҳамма олимлар мақолларда миллатнинг дунёқараши, ҳаёт ва табиат воқеаларига бўлган муносабати акс этганини алоҳида таъкидлайдилар¹. Ҳақиқатан ҳам, агар ўзбек мақоллари намуналарига мурожаат қилсак, бу фикр жуда тўғри эканига ишончимиз комил бўлади.

Маталлар ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан мақолларга жуда ўхшаш жанр ҳисобланади. Уларнинг матни, ҳажми, бадийлиги жиҳатдан мақолларга яқинлигини жуда кўп олимлар тасдиқлаганлар. Ҳатто, кўпинча матал атамаси мақол билан алмашган ҳолда қўлланилиши ҳам кўзга ташланади. Маталлар сўзловчи нутқининг таъсирчанлигини оширади, шаклан гўзаллаштиради. Аммо мақол билан матални жанр жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари борки, уларни ҳамиша бир-биридан фарқлаган ҳолда тасаввур қилиш мумкии. Гап шундаки, мақолларда ҳаётда рўй берган бир воқеага умумлаштирилган ҳолда ҳукм чиқарилади. Бу ҳукм тасдиқ ёки инкор маъносини билдиради, айти пайтда халқ мақоллари мазмунан тугал фикрга эга бўлади ва улар алоҳида қўлланилса ҳам маъно англатаверади. Маталлар эса сўзловчи нутқи таркибининг бирон муҳим қисми сифатида ишлатилади, Маталларни алоҳида қўллаш мумкин бўлмайди, чунки улар мазмунан тугал фикр англатмайди.

Тажриба шуни кўрсатадики, мақолнинг эл орасида кенг тарқалиши, уларда ҳақиқат ифодаси билан алоқадордир. Агар маиший ҳаётда бирон нарсa предметнинг ишлатилиши тўхтатилса, маълум муддатдан сўнг ана шу нарсa номи иштирокидаги мақол секин-аста истеъмолдан чиқади. Жумладан, “Чорик”, “Хоқон” каби сўзлар тилимизда кам ишлатилгани сабабли буларнинг иштирокидаги мақоллар ҳам йўқолиб кетган. Ёки Ўзбекистонида деярли ҳамма вилоятларида “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” мақоли кенг тарқалгандир. Аммо Хоразм ҳудудларида яшайдиган

¹ Мадлев О., Собитова Т. Халқ орзаки поэтик ижоди. –Т.: Шарқ, 2001. 34-35 бетлар.

юртдошларимиз бу мақолни ўз маъиосида ишлатмайдилар. Чунки Хоразмда ер ости сувлари ер юза катламига жуда яқин жойлашганлиги учун бу вилоятда деқончилик тажрибасида кузда экин майдонлари ҳайдалмайди.

Маълум бўладики, халқимиз томонидан қулланадиган ҳар бир мақол ҳаёт тажрибасидан ўтган, замонлар сиёсига бардош берган сўз санъати намунасидир.

Президентимизнинг ижтимоий мавзудаги барча асарлари барча фанлар учун нафақат методологик, назарий асос, илмий манба, балки халқ ҳикматларини ўрганувчи ва қўлловчилар учун ҳам ибрат мактаби ва беназир дастур эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз натижалари бўйича қуйидаги **тавсиялар**ни тақдим этиш мумкин:

1. Халқ фалсафаси дурдоналари, оталар сўзи бўлган мақол ва маталларни ҳар бир киши доимий равишда ўқуб, ўрганиб юриш керак. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовдан ибрат ва илҳом олиш лозим.

2. Ҳар қандай ҳикмат, мақол ва матал тагида маъно-мазмун ва фалсафа яшринган. Бундан фикрлар баёнимизда, оғзаки суҳбатларда ва илмий мақола ва тезислар ёзишда фойдаланиш мақсада муофиқдир.

3. Келажак авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Халқ мақолларидан ёшларни тарбиялаш жараёни учун “Халқ ҳикматлари” номли рисола чоп этиш зарур.

4. Йўналишимиз талабалари учун танлов фанлар блокида бирон бир курга “Халқ фалсафаси” ёки “Ҳикмат фалсафаси” махсус курсини жорий этишни тавсия этган бўлардик.

5. Мақоллардаги илм, маърифат, тарбия билан боғлиқ ғояларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш ва бу борада туркум маълумотларни бериб борувчи кўрсатув, эшиттиришларни йўлга қуйиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро кнференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 16.05.2014.
7. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. –Т.: Tamaddun, 2011.
8. Hikmatlar hazinasi. –Т.: O'zbekiston, 2010.
9. Абдулла Қодирий. Ижод машаққати. (Бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар). –Т.: Ўқитувчи, 1995.
10. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
11. Алимов П. Тарих, шахс, бадиа. –Т.: Ўзбекистон, 1991.
12. Бакиров П. Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш. –Т.: Маънавият, 2007.
13. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993.
14. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи, 1996.
15. Мадлев О., Собитова Т. Халқ орзаки поэтик ижоди. –Т.: Шарқ, 2001.
16. Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари. –Т.: Маънавият, 2011.
17. Мурод М. Олтин сандиқ очилди. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
18. Нишонов С. Комил инсон тарбияси. –Т.: Истиқлол, 2003.

- 19.Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Т.: Университет, 2009.
- 20.Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. –Т.: Шарқ, 2007.
- 21.Сафо Матжон. Китоб ўқишни биласизми. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
- 22.Тўрабекова М. Ўзбегим мақоллари. –Гулистон: Университет, 2009.
- 23.Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.
- 24.Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Фалсафа фанлари номзоди, дисс. Автореферати. – Тошкент, 2002. 4 бет.
- 25.Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
- 26.Ҳикмат дурдоналари. –Т.: Меҳнат, 1993.
- 27.Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Комил инсонлар йўлидан. –Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
- 28.Чўлпон. Адабиёт надур. –Т.: Чўлпон, 1994.
- 29.Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, 1994.
30. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. –Т.: Шарқ, 2006.
- 31.www.ziyo.net
- 32.www.rambler.ru/top100/religion.

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИ
БИБЛИОГРАФИЯСИ**

Жилд №	Жилдларнинг номланиши	Нашр йили	Умумий бети
1	Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура	1996	364
2	Биздан озод ва обод ватан қолсин	1996	380
3	Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир	1996	366
4	Бунёдкорлик йўлида	1996	349
5	Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби	1997	382
6	Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида	1998	429
7	Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз	1999	410
8	Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз	2000	528
9	Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз	2001	432
10	Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак	2002	430
11	Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли	2003	320
12	Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ	2004	400
13	Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди	2005	448
14	Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари	2006	280
15	Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсади	2007	320
16	Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида	2008	368
17	Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз	2009	280
18	Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари	2010	280
19	Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир	2011	360
20	Бизнинг йўлимиз-демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир	2012	320

**2009 йилда чоп этилган “Президент Ислом
Каримов асарлари библиографияси”
китобида:**

-Танланган асарлар: 32 та

-Китоблар ва рисоалар: 168 та

-Нутқлар, суҳбатлар: 432 та

-Газета ва журналлардаги мақолалар: 375 та

ЖАМИ: 1007 та асарлар рўйхати берилган.

Президентимизнинг умумий асарлари сони 17,
18, 19 ва 20 жилдлардаги асарлар билан бирга
1096 тани ташкил этади.

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА
ҚЎЛЛАНИЛГАН МАҚОЛЛАР**

а)

**“ЎЗБЕКИСТОН ХХІ АСР БЎСАҒАСИДА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД,
БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ”**

асарида қўлланилган

мақоллар:

1. Ўзига хон - ўзига бек. (87).
2. “Пул ҳокимиятга интилади”. (90).
3. “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса - бўлгани”. (91).
4. “Қуришдан кўра бузиш осон”. (182).
5. “Ортиқча чираниш белни синдиради”. (190).

б)

“ЮКСАК МАЎНАВИЯТ-ЕНГИЛМАС КУЧ”

асарида қўлланилган

мақоллар:

1. Йўлини топибдими, қандини урсин-(21)
2. Узумини енг-у боғини суриштирманг-(21)
3. Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар-(45)
4. Оққан дарё оқаверади-(49)
5. Қуш уясида кўрганини қилади-(53)
6. Маҳалла-ҳам ота, ҳам она-(59)
7. Уят ўлимдан қаттиқ-(118)
8. Карвон беҳатар бўлмас-(172)

в)

“ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА”

асарида қўлланилган

мақоллар:

1. “Сен-менга тегма, мен-сенга тегмайман” (8)
2. “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун баракаси қочади” (68-120)
3. “Киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди” (69)
4. “Тирноқни этдан ажратиб бўлмайди” (117)
5. “Қош қўяман деб, кўз чиқарилган” (122)
6. “Сарагини саракка, пучагини пучакка” (139)
7. “Экканингни оласан” (141)
8. “Кулгининг таги зил” (145)
9. “Отанга бор, онанга бор” (145)
10. “Гап кўп-у, кўмир оз” (220)
11. “Об-ҳавога қараб иш юритиш” (178)
12. “Оқни-оқ, қорани-қора дейиш керак” (227)
13. “Бирлашган ўзар” (284)
14. “Сўз бошқа-ю, иш бошқа” (288)
15. “Кўрпага қараб оёқ узатиш” (313)
16. “Хамир учидан патир” (316)
17. “Зар қадрини заргар билади” (328)
18. “Ўзи хон кўланкаси - майдон” (333)
19. “Гугурт чакса, хўли қуруқ баробар ёниш” (336)
20. “Мевали дарахтга тош отишади” (356)
21. “Етти ўлчаб бир кес” (373)
22. “Чўкаётганлар ўзларини ўзлари қутқариши керак” (387)

ИЛМГА ОИД МАҚОЛЛАР

Илм бахт келтирар,
Билим тахт келтирар.

Илм - ёруғлик,

Илм истасанг, такрор қил.

Илм кўп, умр оз,
Керагини ўқи.

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.

Илм - тубсиз қудуқ.

Илми борни ёш дема,
Илми йўқни бош дема.

Илмсиз бир яшар,
Илмли минг яшар.

Илмсиз бош қашир,
Хушомадгўй гап ташир.

Илм-у ҳикмат сувни ёндира.

Китоб кўрмаган калла
Гиёҳ унмаган дала.

Кўриб билиш яқинни,
Ўқиб билиш узоқни.

Мулла билганин ўқир,
Бўзчи билганин тўқир.

Мулла билганин ўқир,
Товуқ кўрганини чўқир.

Мулла бўлсанг, такрор қил,
Дехқон бўлсанг, шудгор қил.

МУНДАРИЖА:

К И Р И Ш	3
І БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИЖТИМОЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲИКМАТЛАРИ	9
1.1. Халқ мақоллари ва миллий ғоя	9
1.1. Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қўллаган ҳикматлари	13
2.2. Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида қўллаган ҳикматлари	18
ІІ БОБ. МИЛИЙ ҒОЯНИ ЎҚИТИШДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ҒОЙДАЛАНИШ	31
2.1. Ватан равнақи ғояси	31
2.2. Халқ фаровонлиги ғояси	40
2.3. Юрт тинчлиги ғояси	45
2.4. Комил инсон ғояси	49
Х У Л О С А	57
Ғойдаланилган адабиётлар рўйхати	63
ИЛОВАЛАР	65